2009 йил 6 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (11.465)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари ҳамкорлигида республикамиз бўйлаб ўтказилаётган ёшлар форуми доирасида «Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан таянчи» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Кўргазмалар залида «Энг улуғ — энг азиз» номли кўргазма очилди. Шу номдаги анъанавий танлов доирасида ўтказилаётган кўргазмада республиканинг катта, ўрта ва ёш авлодига мансуб 19 нафар мусаввирнинг энг сара ишлари намойиш этилмоқда.

• Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли маданият саройида «Оналар куйлаганда» қўшиқлар кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларининг ғолиблари қатнашди ва алла қўшиқларини ижро этиш борасида ўз маҳоратларини кўрсатишди.

• Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Кўғай қишлоғи аҳолиси Мустақиллик байрами арафасида бир йўла 3 та хизмат кўрсатиш иншоотига эга бўладиган бўлди. Жумладан, хусусий тадбиркорлар А.Абдураҳмонов ва Ф.Омонбоевлар барпо этган савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси кўркам ва қулайлиги билан ажралиб туради. Тадбиркор О.Келдибоев томонидан «Исломобод» маҳалласида қурилган чойхона ва тантаналар залида эса пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида иш бошлаган «Кўнгил нури» маркази хотин-қизлар ва оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда.

• Андижон туманининг Куйганёр шаҳарчасидаги «Анд металлҳамкор» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида янги маҳсулот — шифер тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхонада ҳозиргача 200 минг дона шифер ишлаб чиқарилган бўлиб, Европа андозалари даражасидаги маҳсулотнинг сифати харидорларга манзур бўлмоқда. Қўшма корхонада 40 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, йил охиригача яна 600 минг дона шифер тайёрлаш режалаштирилган.

### ЖАҲОНДА

• Жанубий Осетия парламенти мамлакат ҳукуматининг янги раҳбарини тасдиқлади.

• Фаластиннинг ҳукмрон ҳаракати — ФАТХ ташкилоти Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғидаги Вифлейм шаҳрида 20 йилдан кейин илк бор съезд ўтказди. Съездда ФАТХнинг Ливан, Сурия ва Иорданиядаги фаоллари ҳам қатнашиб, жами делегатлар сони 2 мингдан ортиқ кишини ташкил этди.

• Россия Федерацияси ва Туркия бош вазирлари В.Путин ва Т.Эрдоган ҳар иккала мамлакатнинг газ соҳасида ҳамкорлиги юзасидан шартномани имзолашади.

• Тунисда шу йил октябрда ўтказилиши режалаштирилган президент ва парламент сайловларига тайёргарлик ишлари бошланди. Мамлакатда обрў-эътибор топган 27 киши ўтган ҳафта ташкил қилинган Кузатув маркази фаолиятига жалб этилди.

• АҚШ Президенти Барак Обама мамлакатда аккумулятор батареяларининг янги авлоди ва электромобилларга замонавий двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 2,4 миллиард доллар ажратилишини таъкидлади.

• Японияда Хиросимага атом бомбаси ташланганлигининг 64 йиллигига бағишланган хотира тадбири бўлиб ўтди.

• Венесуэла Президенти Уго Чавес мамлакатда кофе ишлаб чиқаришга ихтисослашган Fama de America ва Cafe Madrid каби йирик компанияларни миллийлаштирди. Мамлакат ҳукумати ушбу компанияларни қўшни Колумбияга кофени ноқонуний тарзда экспорт қилишда айблади. Эндиликда ҳукумат ушбу компаниялар фаолиятини кофени ички бозорга етказиб беришга йўналтирмоқчи.

• Шинжон-Уйғур мухтор районининг Урумчи, Оқсув ва Қашқар шаҳарларида Хитой полицияси амалга оширилиши мўлжалланган бешта террорчилик ҳаракатининг олдини олишга муваффақ бўлди.

• Гондураснинг ағдарилган президенти М.Селайя АҚШ ва бошқа давлатларни ҳозирги ҳукуматга босим ўтказишга чақирмоқда.

• Колумбия Қуролли кучлари мамлакат ҳудудида мунтазам босқинчилик ва турли хунрезликларни амалга ошириб келган жангарилар гуруҳига қарши ҳарбий амалиёт ўтказди. Амалиёт чоғида 14 нафар жангари йўқ қилинган, икки нафари яраланган.

• Франциянинг Вар департаменти маъмурияти ҳудудда рўй бераётган ўрмон ёнғинлари сабабли 1700 кишини зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирди.




*«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»*

## «ТОШКЕНТ — ШАРҚНИНГ ОЛТИН ДАРВОЗАСИ»

**Мамлакатимиз пойтахтининг 2200 йиллик юбилейи арафасида Россиянинг «ИнфоРос» ахборот агентлигига қарашли «ИнфоШОС» сайтида эълон қилинган мақола ана шундай деб номланган.**

“Ўзбекистон пойтахти — Тошкент ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда, — деб ёзади ахборот-таҳлилий портал мухбири. – Ер юзида тарихи милоддан аввалги даврларга бориб тақаладиган қадимий шаҳарлар унчалик кўп эмас. Уларнинг аксарияти мозий синовларига бардош бера олмаган. Лекин Тошкент тарих синовларини мардонавор енгиб, ҳозиргача гуллаб-яшнаб турибди”.

“Маданиятлар мулоқоти” рукни остида нашр этилган мақолада аждодларимиз яшаш маконини жуда моҳирлик билан танлашгани таъкидланади.

“Шарқ дарвозаси”га айланиш насиб этган Тошкентга айнан Яксарт (Сирдарё) бўйидаги турли ўтроқ ва кўчманчи халқлар маданий, иқтисодий ва этник алоқалари туташган воҳада асос солингани бежиз эмас, — деб ёзилади мақолада. — Гўёки “жаннатнинг ердаги парчаси”ни яратишни ният қилгандек, шаҳар асосчилари уни ривожлантириш ва ободонлаштириш учун ўз меҳнати ва яратувчанлик ғояларини аяшмаган. Аввалбошданоқ пойтахт сифатида бунёд этилган шаҳарнинг номи асрлар давомида ўзгариб: Чоч, Шош, Бинкат ва ниҳоят Тошкент кўринишини олган. Бу номлар барчасининг негизида бир тушунча – “тош” ётади”.

Албатта, шаҳарнинг номини тўғри маънода тушуниш керак эмас. У қурувчиликда ишлатиладиган тош конларига бой эмас. Тошкент Карфаген каби оҳактош ёки Арманистон каби туф тоши ёинки Тосканиянинг “нони” – мармари билан машҳур эмас. Аксинча, Марказий Осиёнинг чўлларида ҳар бир манзилгоҳнинг асоси – сувдир. Тўлиб оқувчи Яксарт боис бу ерда сув сероб бўлган. Шу билан бирга тошкентликлар учун ўз маконини кутилмаган меҳмонлардан ҳимоя қилиш доимо энг муҳим вазифа саналган. Балки, шаҳарнинг ўзи ҳам унинг номи каби мустаҳкам бўлсин деб шаҳарликлар уни “тош шаҳар” деб атагандирлар.

Тошкент тақдирида унинг аҳолисига хос бўлган довюраклик муҳим аҳамият касб этган, албатта. Шунинг учун бўлса керак шаҳар таърифини кўп бор эшитган ва унинг жаннатмакон маскан эканини яхши билган Искандар Зулқарнайн шаҳар деворларига яқинлашиб қолган бир пайтда қўшинини нега ортга бургани ҳозиргача маълум эмас. Ривоятларда айтилишича, шаҳар ҳимоячиларидан бирининг ўқи буюк саркарданинг дубулғасига тегиб, уни жиддий эсанкиратиб қўйган ва ёш Александр бу шаҳарга яхшиси ҳужум қилиш керак эмаслигини англаб етган...»

“ИнфоШОС” мухбирининг таъкидлашича, қадимий шаҳарда амалга оширилган кенг миқёсли илмий изланишлар 2000 йиллар бошларида Ўзбекистон пойтахтининг ёши 2200 йилни ташкил этишини аниқлаш имконини берди. Ўзбекистонлик археологларнинг бу кашфиёти ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарорни қабул қилиш учун асос бўлди. 2008 йилнинг 2 апрелида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

Бугунги Тошкент — илм-фан ва маданият маркази. Уни ҳақли равишда инсоният цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган халқлар дўстлиги ва тинчлик рамзи деб атаса бўлади.

“Мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар пойтахт кўринишини бутунлай ўзгартиб юборди, — деб таъкидлайди “ИнфоШОС”. — Бугун Тошкент нафақат йирик иқтисодий, илмий ва маданий марказ, балки, аввало, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда жадал юксалиб бораётган нуфузи рамзи ҳамдир”.

“Байрам арафасида Тошкент байрамона кўриниш олмоқда. Мамлакат Президентининг ташаббуси билан бунёд этилган ва 2000 йилда тантанали очилган “Шаҳидлар хотираси” мемориал мажмуасидаги музей кенгайтирилиб “Қатағон қурбонларини ёд этиш” биноси очилди, музей экспозицияси янгиланиб, янада бойитилди, — дейди нашр. Пойтахт юбилейи олдидан кўплаб китоб, плакат, буклетлар, шунингдек Тошкент Энциклопедияси нашр этилди. Лекин энг катта совға – бу пойтахт марказида қад кўтарган улуғвор Форумлар Саройидир. Бу замонавий ва муҳташам бино 1-2 сентябрь, яъни байрам кунларида дунёнинг турли қисмларидан Ўзбекистон пойтахтига ташриф буюрган меҳмонларга илк маротаба ўз эшикларини очади”.

**“Жаҳон” АА.**
**Москва.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТОШКЕНТ 2200



**Телефон аллақачон одамлар учун кундалик заруратга айланиб бўлган. Ҳаётимизни ушбу қулай алоқа воситасисиз тасаввур қилиш қийин.**



## ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ҳозирги кунда Ўзбекистон мобил алоқа ривожланиши индекси бўйича дунёнинг биринчи ўнта давлати қаторига киради. Мобил алоқа абонентлари сони 13 миллионга яқинлашиб, 2008 йилнинг ўзида ўсиш 6 миллионни ташкил этди. Бу рақамларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Тошкентдаги АТСларнинг рақамлаштирилиши даражаси эса 100 фоизни ташкил этади. Бу соҳа тараққиётининг юксак суръатларини тасдиқловчи яна бир кўрсаткичдир.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ушбу соҳада олиб борилаётган пухта ўйланган давлат сиёсати самараларидандир. Мустақиллик йилларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди, ахборот жамиятини шакллантириш, кенг кўламли компьютерлаштириш ва амалиётга энг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Ўтмишга назар ташласак, бу жараён мураккаб кечганлигига гувоҳ бўламиз. 1891 йилда Тошкентда умумфойдаланиш телефон алоқаси ташкил этилди. 1904 йил 7 сентябрда 200 рақамга мўлжалланган қўл билан бошқариладиган коммутация тизими фойдаланишга топширилди. Ўша йилнинг ўзида Тошкентда биринчи давлат телефон станцияси ўз фаолиятини бошлади. Кейинчалик бундай станция Самарқандда, вақт ўтиб, бошқа шаҳарларда ҳам пайдо бўлди.

Мустақилликка эришилгач, мамлакатимизда алоқа тизимини ривожлантириш, телекоммуникация тармоқларини тубдан яхшилашга доир масалаларни суверен давлат талабларига мос тарзда, самарали ҳал этиш имконияти туғилди. Умуммиллий давлат дастурлари асосида Тошкентда АКТ соҳаси жадал ривожлана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги» фармони бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ва бошқа бир қатор қонун ҳамда қарорларда телекоммуникациялар инфратузилмасини такомиллаштириш, интернетдаги миллий сегментни ва маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантириш, ахборот ресурсларини ташкил этиш, кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, АКТ соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга доир аниқ мақсад ва вазифалар белгиланди. Қўйилган вазифалар айни вақтда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг энг йирик филиали – «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» (ТШТТ) юридик мақомга эга ташкилотлар, муассасалар, идора ва корхоналарга ҳамда Тошкент аҳолисига маҳаллий телефон алоқаси, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари, маълумотлар узатиш ва Интернет тармоғига уланиш каби хизматларни кўрсатади. Олдиндан тўлаш универсал карточкалари ёрдамида IP-телефония ва Интернет хизматлари, IAD тизими орқали абонентларни гуруҳлаштириш ва сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш каби қўшимча хизмат турлари ҳам бажарилмоқда.

ТШТТ тизимида 6 телекоммуникация тармоғи фаолият юритади. Улар – Марказий телефон тармоғи ҳамда Миробод, Янгиобод, Мирзо Улуғбек, Чилонзор ва Собир Раҳимов туманларида жойлашган телекоммуникация тармоқларидир. Филиал таркибида Ахборот-ҳисоблаш маркази ва станциялараро алоқа тармоқлари ишлаб турибди.

Кейинги йилларда филиалда бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Замонавий ускуналар асосида Тошкентнинг деярли барча телекоммуникация станциялари модернизация қилинди. Шаҳар маҳаллий телекоммуникация тармоғида фаолият юритаётган 90 телефон станциясининг умумий сиғими 650 минг рақамни ташкил этади. Маҳаллий телефон тармоғининг юз фоиз рақамлаштирилиши электралоқа сифатини анча яхшилаш, янги хизматларни тақдим этиш ҳамда фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланиш имкониятини берди. Хусусан, Тошкент – WiMax мобил технологияси иккинчи тўлқини ўзлаштирилаётган дунёдаги дастлабки шаҳарлардан биридир. Бу бугунги кунда энг илғор телекоммуникация технологияси бўлиб, икки машҳур глобал компания – Жанубий Кореянинг «Korea Telecom» ва Япониянинг «Sumitomo Corporation» етакчи мутахассисларининг янги ишланмаларига асосланган. Ушбу компаниялар иштирокида Тошкентда «EVO» савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи «Super iMax» компанияси ташкил этилди. Бу биринчи навбатда интернетга юқори тезликда, симсиз уланиш, телефония ва тармоқли ечимлар (VPN) демакдир.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан «Соғлом оила — тараққиёт пойдевори» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда шифокорлар иштирок этишди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар ўқитувчилари, қатнашчилари иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

✓ **АЙНИ** кунларда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раисларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув семинари ўтказилмоқда. Ушбу тадбир 12 августгача давом этади.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Ширинтой» номли 47-мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар, педагоглар иштирокида уюштирилган тадбир «Бола тарбиясининг муҳим омиллари» деб номланди.




Ифтихор

# САЖДАГОҲИМСАН, ВАТАН!

**Инсон учун унинг киндик қони тўкилган, у туғилиб ўсган макондан улуғ маскан йўқ. Инсон зоти учун Она қанчалар қадрли бўлса, Ватан ҳам шу қадар қадрли, бебаҳодир.**

**Ватаннинг таърифига сўзу тил ожиз, уни куйлаш, мадҳ этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.**

**Юрагинг юрагингга**
**сиғмасин тошсин,**
**Юрагинг Ватаннинг**
**осмонига айлансин,**
**Юрагинг Ватаннинг**
**қалқонига айлансин,**
**Юрагинг Ватаннинг**
**жон-жонига айлансин,**
**Токи,**
**Жонинг шу Ватанга жон**
**бўлиб кетсин,**
**Ватан деса, шарафингга**
**шон бўлиб кетсин,**

дея ташбеҳ айтадилар.

Азим шаҳримиз Тошкентда 2200 йиллик тўй тантаналарига тайёргарлик бораётган бир пайтда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб дилингиз яйрайди, қалбингизда бир енгиллик, ғурур, фахр туйғусини туясиз. Қисқа вақт ичида қайта таъмирланиб бўй ростлаган Ҳазрати Имом мажмуаси, Бароқхон, Кўкалдош, Шайх Зайниддин бобо мадрасалари ҳам, шаҳримизнинг Ислом маданияти пойтахтига айланиши ҳам қалбингизда бир сокинлик уйғотиб, Ватанга бўлган меҳрингиз, муҳаббатингиз ортади. Мустақиллик шарофати билан ўз беклигимизга қайтишимиз, унутилаёзган қадриятларимизнинг қайтадан қад ростлаши, улуғ аждодларимизга кўрсатилаётган эъзозу эҳтиром, ўзўзимизни чуқурроқ англай бошлашимиз — маънавиятимизнинг янада юксалишидан, юксак маънавият ҳақиқий маънода — енгилмас куч эканлигидан далолат беради.

Доимий байрам тантаналари ўтказиладиган Миллий боғ, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Шаҳидлар хотираси майдони, Ёшлар ижодиёти уйлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари...

Яқинда бир халқаро семинарда кунчиқар мамлакатнинг «JICA» Халқаро ташкилоти раҳбари Александр Ганс ва менежер Танако Кумако билан учрашиб қолдим. Улар бизнинг юртимиз, юртдошларимиз, одамларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат, бағрикенглик ҳақида жуда илиқ фикрлар билдирдилар. Бу гапларни эшитиб, азим шаҳар Тошкентга бўлган меҳрим янада ошди. Шу ўринда бир ривоят эсимга тушди.

Бир годшоҳ ўзга бир мамлакатни босиб олмоқчи бўлибди. Ҳарчанд ҳаракат қилмасин, уни енга олмабди.

Ниҳоят подшоҳ айёрлик томонига ўтибди ва излаб-излаб, катта совғалар ваъда қилиб, ўша юрт дарвозасини очиб берадиган одам топибди. Ниятига етгач эса, унга ёрдам бериб дарвозани очиб берган йигитни ўлим жазосига буюрибди. Йигит эса подшоҳга қарата «Сен ваъдангнинг устидан чиқмадинг» дея дод солибди. Подшоҳ ўз навбатида: «Мен сенга салтанатимданда юқори совға беришни ваъда қилган эдим, ваъдамнинг устидан чиқдим. Дор ҳақиқатан ҳам менинг салтанатимдан юқори туради. Ўз юртига вафо қилмаган хоин ҳеч қачон ўзгага вафо қилмайди, хоин ҳамиша шундай жазога лойиқ» — деган экан.

Дунё дунё бўлибдики, бировлар оёғига болта урадиган, муваффақият, омадингизни кўра олмайдиган фикри бузуқ, қора ниятли бахил ғаламислар ҳамма замонларда бўлган. Бундайларга эса бизда ўрин йўқ. Биз жаҳолатга қарши маърифат, ғояга қарши фикр билан курашамиз. Шу ўринда шоирнинг

**Тошкентим порлаган**
**пойтахтсан бу кун,**
**Юксалди кўксингда не-не қасрлар.**
**Сир эмас бунчалик камолот учун.**
**Керак бўлар эди неча асрлар...**

деган сатрларини такрорлаб, азиз она шаҳрим, азим Тошкентим, қутлуғ тўйинг муборак бўлсин, болдек тотли меваларингга, зилол сувларингга, дунёларга бергусиз қадриятларингга, меҳр-оқибатли инсонларингга кўз тегмасин деймиз.

**Гулчеҳра КАРИМОВА**

# ПОЙТАХТИМ — ГЎЗАЛ МАКОНИМ

**Айни дамларда «Камолот» ЁИҲ Кенгаши томонидан жойларда «Тошкент шаҳрим — гўзал маконим» шиори остида ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.**

Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг «Камолот» ЁИҲ Кенгаши аъзоларидан иборат етмиш нафардан ортиқ талабани ўзига жамлаган «Бунёдкор» ёшлар гуруҳи шаҳримизнинг турли масканларида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда.

— Талабаларни моддий ва маънавий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил даври мобайнида уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда вақтинчалик иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олишлари учун имконият яратиш мақсадида «Бунёдкор» меҳнат гуруҳи ташкил қилинди, — дейди Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Рихсивой Юсупов. — Талабалар шаҳримизнинг ободончилик, қурилиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ хўжалиги жабҳаларида зўр иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда кўнгиллилар сафида меҳнат қилаётган ёшларимизнинг нигоҳларида фахрланиш ва ифтихор туйғуларини кўриш мумкин. Чунки улар бугунги кунда шаҳримизда олиб борилаётган қурилишларда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

# ЛОЙИҲА АСОСИДАГИ ИШЛАР

**«Камолот» ЁИҲ Учтепа тумани бўлими Кенгаши ташкилотчилигида эллик нафардан ортиқроқ ёшлар Абдулла Қодирий, Фарҳод, «Кўркамобод» ва «Учтепа» маҳаллаларида ободонлаштириш ва тозалаш ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, ёшлар маҳаллада истиқомат қилувчи ёлғиз қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уй юмушларида ёрдам бердилар.**

— «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши аъзолари аҳил ва ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда,— дейди «Камолот» ЁИҲ Учтепа тумани бўлими раиси Райҳон Ўрмонова. — «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ҳам анчагина самарали ишлар йўлга қўйилди. Ёшларимизнинг таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказиш, шаҳримизнинг 2200 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун кўплаб тадбирлар, учрашувлар ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ҳар қандай тадбир замирида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ва жонажон Тошкентимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромни кўриш мумкин. Ёшларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни Ватанимизга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш ҳамда бaркамол ва соғлом бўлиб камолга етишишлари йўлида «Камолот» ЁИҲ Кенгашининг алоҳида ўрни ва вазифалари мавжуд. Бугунги ҳашар эса ёшларни янада бирлаштириб, Ватан олдидаги бурчларига садоқат билан ёндашишларида муҳим омил бўлади.

# БУНЁДКОР ЁШЛАР

**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.**

Тадбирда институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Нодир Ғаппоров сўзга чиқиб институт миқёсида олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг кўлами, икки қўшалоқ байрамга тайёргарлик ва факультет биноларининг таъмирланиш жараёнлари ҳақида гапирди.

Юзга яқин қурувчилардан тузилган гуруҳ аъзолари шаҳримиздаги бошқа йирик қурилиш иншоотларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Шунингдек, тадбир доирасида қурувчи ёшлар гуруҳининг фаол аъзолари институт раҳбарияти томонидан Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Жазирама ёз фаслида пурвиқор тоғлар бағридаги сўлим, соя-салқин, хушманзара ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мириқиб дам олиш билан бирга санъат, спорт билан шуғулланиб, бўш вақтини мазмунли ўтказаётган азиз болаларнинг мамнун чеҳрасини кўриш нақадар ёқимлидир.**

Ёз — ўтмоқда соз

# ТОҒЛАР БАҒРИДА САНЪАТ БАЙРАМИ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги тоғлар бағридаги Юсуфхона қишлоғи ҳудудида жойлашган «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Чотқол» дўстларни чорлайди» мавзуида анъанавий фестиваль ўтказилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган мазкур санъат байрами мазмундорлиги, ўзига хос файз-таровати билан барчага шодлик, завқ-шавқ ҳадя этди. Тадбир давомида оромгоҳга қўшни ҳудудда жойлашган Ю.Гагарин номидаги, «Бурчимулла», «Ёшлик», «Олимпиячи», «Конструктор», «Ғунча» ҳамда мезбон «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ёш санъаткорлари Ватанни, азим Тошкент шаҳри дўстликни тараннум этувчи дилрабо қўшиқларни ижро этиб, чиройли миллий ва турли халқларнинг рақсларидан иборат маданий дастурларини намойиш қилдилар.

Санъат байрами болалар қалбига эзгуликни сингдириш билан биргаликда ёш истеъдод эгалари камол топаётганини намойиш қилиб, улар ижросидаги гўзал рақслар ҳамда қўшиқлар барчага манзур бўлиб самимий кутиб олинди. «Мен Турғун Машарипов 11 ёшдаман. Қўнғирот туманидаги 53-мактабда ўқийман. «Чотқол» оромгоҳи ва «Чотқол дўстларни чорлайди» фестивали менга жуда ҳам ёқди. «Чотқол» оромгоҳида таомлар тўйимли, мазали экан. Зерикмаяпман. Футбол ўйнашга қизиқаман. Оромгоҳда дўстлар орттирдим. Бугунги байрамдан жуда ҳам ҳурсанд бўлдим ва умрбод ёдимда қолади», — дейди табассум билан қатнашчилардан бири.

Санъат байрами якунлангач, ёш истеъдод тадбир ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мазкур маданий-маърифий тадбир барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**



# УЛУҒ САЛТАНАТ

*(Тетралогиянинг “Мироншоҳ Мирзо” номли учинчи китобидан айрим боблар)*

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**

*(Давоми. Боши ўтган сонларда).*

*— Худо ўзи ёрлақасун, отажон! – қўлини кўксига қўйди Шоҳ Маҳмуд...*

*Зайнаб Хотун: “Айланайин, умрларингизни берсун!” деганча, ҳар иккисининг манглайидан ўпиб қўйди.*

*Музаффарийлар подшоси нурсиз кўзларини астойдил садоқат кўргизиб, қошида таъзимда турган бургутдай икки ўғлига тикаркан, ўзини агар дунёда энг бахтиёр оталар иккита бўлса — ўшаларнинг бири, борди-ю битта бўлса ўзидай мамнуну мағрур ҳис этди...*

*Тахт ҳой-у ҳаваси, ҳокимлик нияти Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмудни оҳанрабодай ўзига тортиб, ўй-хаёлларини чунонам қамраб олдики, кечаларни пинҳона бедор ўтказишарди. Бирдан, Шоҳ Шужоъга оталаридан қутулишнинг... осонгина йўли топилгандай туюлди. Укасига хотиржам сўз очди:*

*— Падари бузрукворни... ҳалал бермасликлари учун, орадан кўтариб ташлаш... керак...*

*Шоҳ Маҳмуднинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:*

*— Нима-нима? Орадан... кўтариб ташлаш керак?.. Отамизни-я?.. Қандай?.. Тушунмадим, оға...*

*— Агар рози эрсанг... аммо бу гапни сир тутасен... — Ҳм-м.... Кўриб турибмиз, отамиз кексардилар... Тахтда қоқилиб ўлтиришдек ортиқча ташвишдан халос этайлик қўяйлик... Энди фароғатда яшасунлар... – Шоҳ Шужоъ пинак бузмай давом қиларкан, укасига қарамас, худди арзимас бир нарса ҳақида гапираётгандек, эснаб-эснаб қўярди. — Отамизни нариги дунёга жўнатиш зарур...*

*Шоҳ Маҳмуд даҳшатдан ортига тисарилди:*

*— Йўқ! Йўқ, оға!.. Нималар деяпсиз? Падаркушлик энг ёмон гуноҳлардан саналади! Йў-ў-ўқ!.. Йў-ў-ўқ!..*

*Шоҳ Маҳмуд олимтабиат оғасининг бунчалар бағритош ва ибосиз эканлигини илк марта кўргандай донг қотди. Отасига қўл кўтаришга шай турган Шоҳ Шужоъ жилмайиб қўйди-ю бошқа ҳеч нарса демади.*

*Бироз ўтиб, барибир султонни тахтдан мосуво қилиш чораси топилди: милодий 1358 йил ақраб ойида, боғлар заъфарон гиламларини ерларга тўшаган кезлар, икки ўғил ниқоб кийишиб, билдирмай тунда қари оталари ухлаб ётган саройга бостириб кирдилар.*

*Қартайган султоннинг ҳайратдан тили калимага келмади, кейин апил-тапил: “Соқчилар! Ясовул! Қайдасан?!!” деб қичқирди, шамнинг ғира-шира ёруғида дарҳол доим ёнига қўядиган қиличини топишга уринди, лекин топа олмади.*

*— Кимсизлар?! Ким бўласиз?!!.. – жон ҳолатда қичқириб юборди Зайнаб Хотун ниқоб кийган номаълум одамларга қараб. – Тўхтангиз! Султон худо паноҳида! Ортингизга қайтингиз!!! Соқчилар қаерда? Ҳой, ким бор? Ким бор?.. Қоровул!!!*

*Маликанинг ўткир овози саройдан ўтиб ташқариларга ҳам эшитилди, аммо ҳеч ким келмади. Ниқобдорлардан бири шартта Зайнаб Хотуннинг оғзига рўмол тиқди.*

*— Қўрқманг! Қўрқманг! – тинчлантирди Шоҳ Маҳмуд...*

*Зайнаб Хотун қандайдир хиёнатни англагандай, ниқобдорларни овозларидан танигандай бўлди, гапирай дерди-ю иложини тополмасди.*

*Овозини ўзгартирган Шоҳ Шужоъниң сўзлари буйруқ оҳангида чиқди:*

*— Ташвиш чекмангиз, маликам! Бизлар Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмуднинг ишонган ясовулларимиз. Сарбадорлар пошшоси баттол Паҳлавон Ҳайдар Қассоб юртимизга катта қўшин тортибди! Шаҳар остонасида эмиш! Султонзодалар мудофаа савдосида юрибдилар!.. Яхшики, улар бор, эмаса ҳаммамиз аллақачон душман қўлига тушардик! Ҳазратларини яширин бир жойга элтиш ҳақида фармон олинди!.. Хатарсиз томонга боргаймиз!..*

*Зайнаб Хотун минг азобда оғзини рўмолдан бўшатишга эришди ва бақириб юборди:*

*— Рози бўлмангиз, султоним!!.. Рози...*

*У сўзини тугата олмади, “Ҳиқ!”, “Ҳиқ!” деди-ю, шилқ этиб, Шоҳ Маҳмуд қўлида осилиб қолди.*

*— Фитна оралабди, фитна! Тўхта!!! Тўхта!!! – ўрнидан турар экан, Амир Муборизиддин хотинига томон талпинди. – Зайнаб!.. Зайнаб!!? Нега жимсан?.. Гапирсанг-чи!..*

*Зайнаб Хотун бемаҳалда келган балодан қаттиқ қўрқиб кетди, юраги кўтаролмай, жон таслим қилди.*

*Шу палла Шоҳ Шужоъ, “Ҳай-ҳай!..” деганига қарамай, шартта отасининг кўзларини боғлади-ю олам-жаҳонни зимистонга айлантирди. Амир Муборизиддин бир умрга ёруғ дунёни кўришдан маҳрум бўлганини кейин билди. Султонни саройнинг тагида жойлашган, бир пайтлар ўзи салтанат ғанимларини қамайдиган зиндонга ташладилар, бу ҳам етмагандай, андишасизларча... кўзларига мил тортдилар...*

*— Ҳали ўғилларим олдида жавоб берасенлар, эй маълунлар! Туз кўр қилгурлар! Бағритошлар!.. Нобакорлар! Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмуд ўғилларим буни эшитсун, ўшанда баринг таъзирингни ейсан! Тавбангга таянасан! Қандай зўр ўғилларим бор-а! Оҳ, суюкли ўғилларим! Қайдасизлар? Отангизни шундай душманлар қўлига топшириб қўйдингизму? Қаердасизлар?.. Қаердасизлар?... — деб мунгсирарди бечора ота...*

*Ўғиллар аллақачон чиқиб кетган эдилар.*

*Форсу Ироқ аҳли ноқобил фарзандлар кирдикорларига нафрат билан қарарди.*

*Оға-инилар орасидаги пинҳоналик пардаси йиртилди... Ҳали ҳам тахтга ким чиқади, деган кўҳна ва содда жумбоқ кўндаланг турарди. Гарчи ука акадан илдамроқ чиқиб, тарафдорлари ёрдамида тахтни эгаллаган, Шоҳ Шужоъ Шероз ва Йазд орасидаги кичик Абаркуҳ вилояти билангина кифояланган эса-да, барча мамлакатда икки ҳоким борлигини, юрт ҳали осойишталикдан йироқ эканлигини сезарди.*

*Чоралар излар экан, бир куни Шоҳ Шужоъ отасининг содиқ мулозими ва жомадорларидан бири ҳисобланадиган, кейинчалик “Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон” асарини иншо этган муаррих Ғиёсиддин Али ибн Жамол ал-Исломни ҳузурига чорлатди.*

*— Ёш эрсангиз ҳам Форсу Ироқда сўзи барчага ўтадиган аллома, нуфузли кадхудо мақомидадурсиз, фиқҳда тенгингиз кам... — деди Шоҳ Шужоъ. – Падари бузрукворингиз шайх Жамол ал-Ислом отамизнинг пирларидан эрдилар. Қайсар укамиз Шоҳ Маҳмудни иттифоққа чорлаб элчиликка боргайсиз, бор фасоҳатингизни ишга солиб сулҳга чорлагайсиз, инъом тариқасида хусравона сарпо кийдургайсиз. Токи бирлашиш таклифи ўртага қўйилсун!*

*(Давоми газетанинг келгуси сонида)*

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

ТШТТ мутахассислари маълумотларига қараганда, қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи абонентлар сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда абонентлар ўзларининг телефон қурилмалари орқали «Рақамни қисқартириб териш», «Банд абонентни чақириш», «Рақамни термасдан улаш», «Кирувчи қўнғироқларни қайта манзиллаштириш», «Халқаро ва шаҳарлараро қўнғироқларни махфийлаштириш», «Конференцалоқа» каби хизматлардан муваффақиятли фойдаланмоқда.

NGN технологияси асосида тармоқнинг реконструкция ва модернизация қилиниши натижасида «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» абонентларига «Видеотелефон» хизмати тақдим этилмоқда. Ундан фойдаланган ҳолда, шаҳарнинг исталган нуқтасидан нафақат сўзлашиш, балки суҳбат мобайнида суҳбатдошларни кўриш имконияти бор.

Тошкентда барча телефон узеллари билан боғланган юқори тезликдаги ягона корпоратив тармоқ яратилган. Кўп функцияли вазифаларни амалга оширувчи биллинг тизими ва бошқа дастурий асослар жорий этилган. 2006 йилдан бошлаб абонентларга қулайлик яратиш учун «09» шаҳар маълумот хизматида «Contact Center» тизими жорий этилди. У шаҳар абонентларига ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва коммунал хўжаликлар рақамларини териш тартиби ҳамда шаҳарлараро ва халқаро кодлар, мобил алоқа тизимлари тўғрисида маълумот бериш мақсадида ташкил этилган. Маълумот-ахборот хизмати маълумотлар базасида 20 мингдан ортиқ ташкилот ва корхоналар телефон рақамлари рўйхатга олинган. Бундан ташқари, «001» маълумот хизмати об-ҳаво маълумоти, «004» эса Тошкент шаҳридаги аниқ вақт ҳақидаги ва ҳоказо автоматлаштирилган кеча-кундуз давомидаги ахборот хизматларини кўрсатади.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш доирасида пойтахт ахборот-коммуникация инфратузилмаси модернизация қилинди. Умумий сиғими 20 минг рақамдан иборат 232/233/236 АТСлар янги жойга кўчирилди ва замонавий рақамли ускуналар асосида модернизация қилинди. Кейинги авлод NGN-тармоқларини жорий этиш, Тошкентдаги фойдаланувчиларга энг замонавий ва юқори сифатли хизмат турларини, масалан, телефон тармоқлари орқали IPTV (рақамли телевидение), видеотелефония хизматларини жорий этиш имкониятини берувчи FTTC (уй гуруҳларигача оптика) архитектурасидаги оптик-толали алоқа линиясини ишга тушириш давом этмоқда. Улардан шаҳарнинг барча тармоқларида фойдаланиш мумкин.

«Тошкент шаҳри махсус хизматлар узелини (Call Center) реконструкция қилиш» лойиҳаси изчил амалга оширилмоқда. Қўнғироқларга ишлов бериш маркази ва умумий фойдаланишдаги тармоқ абонентларига интеллектуал хизматлар кўрсатишни кенгайтириш кўзда тутилмоқда. 2009 йил май ойида ТШТТ «09» хизмати маълумот-ахборот цехи асосида Россиянинг «Протей» компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган замонавий call-маркази ишга туширилди. Аксарият МДҲ давлатларида унга тенг келадиган тизим йўқ.

Буларнинг барчаси – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида алоқа соҳасида олиб борилаётган узоқни кўзлаган давлат сиёсати, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

